

# ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА

18.11.2022

361-6-81-МТ/2022-son

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Мингбулок тумани Мактабгача таълим булими номидан Низом асосида иш юритувчи директор М. Атакузиева бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI» МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори Ш.Ахмаджонов иккинчи томондан, мазкур Мингбулок тумани мактабгача таълим булимини жорий таъмирлаш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

## I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ си ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Бажарувчига лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда 4 900 000(тўрт миллион тўққиз юз минг) сумни ташкил этади.

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ü ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ü ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи, Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

## III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

ü барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг 1 иловасига мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

ü ишларни бажариш давомида Буюртмачи томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

ü бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета ҳужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;

ü мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун Буюртмачи олдида тўлиқ ҳамда мулкӣ жавоб беради.

#### IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

ü ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

ü Бажарувчининг барча мурожаатларини 10 (ўн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

ü Бажарувчига инвестор томонидан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

ü Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 % фоизини олдиндан тулаб беради қолган 70% ни бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг тулов амалга оширилади.

#### VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур

шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

ў иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

ў Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

ў Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

ў Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

ў Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинисда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### БУЮРТМАЧИ:

Мингбулок тумани Мактабгача  
таълим бўлими

Манзил: Жоманшуй

ш.Э.Урмонов кўчаси 23-уй

Телефон: 452-28-05

ш/х\*: 100022860142047091100251038

бюджетдан маблағ олувчи

СТИРи: 305151814

ОКОНХ: 85100

### БАЖАРУВЧИ:

«ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI  
» МЧЖ

Манзил: Наманган шаҳар,

Б Машраб кучаси, 6-уй,

х/р: 2020 8000 5051 3482 3001,

Банк: АТБ "INFINBANK"


Наманган филиали

МФО: 01113, ИНН: 306802215,

Ғазначилик бўлинмаси номи:  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
Вазирлиги Ғазначилиги  
Ғазна х/в.: 23402000300100001010  
1010

Тошкент шаҳри Марказий  
Банк ХККМ  
МФО: 00014,  
СТИРи: 201 122 919

ОКЭД: 41100, тел: 99894-177-06-37  
99897-217-71-57

Директор: 

М. Атакузиева



Ш.Э.Ахмаджонов

Юриет: 

[[QR]]	Hujjat <b>elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	undefined
	Imzolangan sana	undefined
	Hujjat kodi	<b>undefined</b>
	Hulosa kodi	<b>undefined</b>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

VS2374563486

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: (Zamonaviy loyixa xizmati ) MCHJ 4 900 000 sumlik shartnoma
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Mingbuloq tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 15.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Mingbuloq tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**A.M.IRGASHEV**  
18.11.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 175695 на приобретение Мингбулок тумани МТБ жорий ремонти лойихаси учун**

Способ проведения электронный

Дата 10.11.2022

Время рассмотрения 10.11.2022 22:50

Закупочная комиссия Мактабгача таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SULTONOV NO'MONJON ABDULLAYEVICH	Бош хисобчи	МТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	ABDUSATTOROVA GULCHEXRA GAFURJANOVNA	Шартнома булими	МТБ
<b>Член комиссии</b>	MOXSUDOVA MUKADAS ABDUG'ONIYEVNA	Хисобчи	МТБ
<b>Член комиссии</b>	ABDURAXMONOVA SARVIGUL MAMASOLIYEVNA	хисобчи	МТБ
<b>Член комиссии</b>	XALIKOV SAYDAXMAD ABDULLAYEVICH	Таъминотчи	МТБ
<b>Член комиссии</b>	TURGUNBOYEV BEHZOD VALIJON O'G'LI	Иктисодчи	МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.11.2022 года № лота 175695.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по разработке проектно-сметной документации на проведение текущего ремонта здания</b>
Подробное описание	МТБ ремонт лойихаси учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	5 000 000.00
Стартовая сумма	5 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчининг молиявий ахволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Малумотлар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI	20	мавжуд	19	Экспертная		
BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ	20	мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №2 Иштирокчининг бажарган ишлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: маълумотлар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	19	Экспертная		
<b>BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ</b>	20	мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №3 Иштирокчининг танловда катнашиш хукукини берувчи ишончнома

Тип: Текстовое значение

Описание: маълумотлар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	18	Экспертная		
<b>BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ</b>	20	мавжуд	17	Экспертная		

Критерий №4 Иштирокчи тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотлар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	16	Экспертная		
<b>BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ</b>	20	мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №5 Солиқдан қарздорлик буйича маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: маълумотлар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	20	Экспертная		
<b>BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ</b>	20	мавжуд	19	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ</b>	5 000 000.00	4 995 000.00 UZS	4 995 000.00	00.00	4 995 000.00	09.11.2022 21:22:36	9.80981
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	5 000 000.00	4 900 000.00 UZS	4 900 000.00	00.00	4 900 000.00	09.11.2022 20:51:44	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ</b>	78.3	9.80981	88.10981
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	82.8	10	92.8

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 175695 от 10.11.2022 года на приобретение Мингбулок тумани МТБ жорий ремонтти лойихаси учун определила победителем:

ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI  
306802215

и резервный исполнитель: BETAKROR QURILISH DIZAYN MЧЖ (303474784)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SULTONOV NO'MONJON ABDULLAYEVICHI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MOXSUDOVA MUKADAS ABDUG'ONIYEVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDURAXMONOVA SARVIGUL MAMASOLIYEVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XALIKOV SAYDAXMAD ABDULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURGUNBOYEV BEHZOD VALIJON O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“14” ноябрь 2022 йил

Мингбулок тумани

Наманган вилояти ҳудудидаги \_Мингбулок туман\_ мактабгача таълим булими томонидан 2022 йил “10” ноябрдаги 22110012175695- сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Мингбулок тумани Мактабгача таълим булимини жорий таъмирлашда лойиха ҳужжати ва экспертиза ҳулосаси тайёрлаш режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI” мчж томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун


белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид  
комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Давлат буюртмачи ташкилоти рахбари**

-----

**Давлат буюртмачи ташкилоти бош ҳисобчиси**

-----



-----